



# ИНСОН ва ҚОНУН

13 октябрь 2020 йил / № 40 (1244)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ



ТИЛ ХАЛҚНИНГ ЎЗАГИ, ЎЗЛИГИ!  
ЎЗЛИКСИЗ ЭСА ХАЛҚ ЙЎҚ 4-БЕТ



ФУҚАРО 19 ЙИЛ ДЕГАНДА  
ЎЗ УЙИДА ТИНЧ УХЛАДИ 5-БЕТ

КЎЧАДА СИГАРЕТ ЧЕККАНГА  
ЖАРИМА БОРМИ? 8-БЕТ





## “ШУНДАЙ АЯНЧЛИ ҲОЛГА КЕЛДИККИ, АЙРИМ РАҲБАРЛАР ГАЗЕТА ЎҚИМАСЛИГИ БИЛАН МАҚТАНАДИГАН БЎЛИБ ҚОЛДИ...”

“...Афсуски, биз кейинги йилларда мажбурий обуна баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Албатта бу бировларга ёқмайди. Халқ таълими вазири бизда замонавий, мен кўп эшитяпман мулоқотларда: “ахборот технологиялари бор, журнал ҳам керак эмас, гезата ҳам керак эмас”. Бу нотўғри йўналиш. Ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор. Компьютернинг ҳам ўз ўрни бор, журналнинг ҳам ўрни бор, газетанинг ҳам ўрни бор. Бошқача йўлни тутиш ҳозирча мумкин эмас. Биз бунга тайёр эмасмиз...”

Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлиб қолди. Менинг компьютеримда ҳамма нарса бор, менинг телефонимда ҳамма нарса бор деб. Йўқ, газетани ҳам, журналларни ҳам ўқиш керак, бу замон талаби...”

(Президент Шавкат Мирзиёевнинг 1 октябрь – ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан)



“The New York Times” — 571 500 нусха



“Халқ сўзи” — 31 558 нусха



“Жэньминь Жибао” — 3 миллиондан ортиқ



“Ўзбекистон овози” — 1 768 нусха



“Литературная газета” — 81 600 нусха



“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” — 5 016 нусха



Дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу – Япония. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нусхада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, Интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор.





**Дилшод АШУРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Нотариал палатаси раиси:

## Газета ўқимаган нотариус одамлар билан қандай ишлайди?

— “Ўзбекистон очик ҳозир, энди аввалгидай ёпиб қўйишнинг иложи йўқ. Чегараларни ёпмаймиз энди, интернет ёпилмайди. ОАВ ходимларига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Улар билан мулоқот қилмаган раҳбарларнинг келажаги бўлмайди. Катта синовлардан ўтпимиз, баъзилар чидай олмаяпти, ОАВ саволларига, ОАВ муҳитини яратишга, адолат овозини эшитишни хошламаяпти. Лекин мажбур бўлади ёки хайрлашамиз”, — дея таъкидлади Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида.

Айтиш жоизки, босма ва электрон ОАВлар ҳар қандай ташкилотнинг фаолияти очиклигини таъминлаб, халққа яқинлаштиради. Иш самарасини юксалтиради. Шу жумладан, бугун нотариат соҳасида ҳам бу йил амалга оширилган катта ислохотларни, фуқаролар учун соҳада яратилаётган қулайликларни аҳолига етказиш муҳим масала. Қолаверса, нотариуслар ҳам ҳуқуқ тарғиботчилари, улар ўз фаолиятига оид ҳуқуқий билимлар ва маслаҳатларни айнан матбуот орқали ёритиши шарт. Юқорида айтилганидек, босма ва электрон ОАВ лар бизнинг энг яқин ҳамкоримиздир.

Яқин-яқингача нотариуслар хизматидан халқимиз норози эди. Бу нимадан келиб чиқди? Аввало, нотариал соҳага оид маълумотлар, ҳуқуқий билимлар яхши тарғиб қилинмагандан келиб чиқди. Ахир нотариуслар инсонлар юзма-юз келадиган ҳужжатлар билан боғлиқ қанчалаб ишларни юридик жиҳатдан шаҳодатлайди. Бу жараён билан одамларни таништириб бориш муҳим. Зеро, инсонлар ўз ҳуқуқларини танишга, билишга ҳамиша ҳақли. Бирон ҳужжатни расмийлаштириш билан боғлиқ жараёнлар ҳақида матбуотда материаллар берилса, нарх-наво ҳақида тушунтиришлар берилса, одамлар

сарсонгарчиликдан қутулади. Оворагарчиликка чек қўйилади. Ишлар тез битиб, кўнгилларда миннатдорлик уйғонади.

Президентимиз айтган сўзларга келсак, ҳар бир нотариус ҳам ўз идорасининг раҳбари. Албатта, газета ўқиш, телевидение ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали берилаётган янгиликлардан хабардор бўлиш нотариусларнинг олдида турган муҳим масалалардан бири. Шунингдек, матбуот билан ҳисоблашмайдиган, газета ўқимайдиган раҳбарларга бизнинг ора-мизда жой йўқ.

“Инсон ва қонун” нашри айнан ҳуқуқий билимларни юксалтиришга қаратилган

минбар. Унда ҳар бир нотариус ҳуқуқий билимларини улашиши, аҳолининг ҳуқуқий тафаккурини юксалтиришга ҳисса қўшиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси мамлакатимизда фаолият юритаётган нотариусларнинг етакчи органи сифатида нотариусларнинг ўз билим ва маслаҳатларини босма ва электрон ОАВлар, хусусан, ўз нашримиз “Инсон ва қонун” орқали тарғиботини кучайтириш, улар билан яқиндан ҳамкорлик қилишини ўз олдида мақсад қилган. Бунинг учун ҳар бир нотариус ўз нашри — “Инсон ва қонун”га обуна бўлиши керак.



**Жамшидхон НУРИТДИНОВ,**  
Сирдарё вилоят адлия  
бошқармаси бошлиғи:

## “Босма нашрлар ўлмайди, бугун унга эҳтиёж катта”

— Матбуот вазминликда, таҳлилда тенгги йўқлигини, ахборот етказишда ҳолислик таъминлиги амал қилишини яхши биламиз. Бугунги технологиялар ривожланган ахборот асрида зарур маълумотларни ҳар ким ҳар қаердан олиши мумкин. Аммо фейк хабарлардан тўғриси ахирати олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Қолаверса, одам биринчи ўқиган ёки кўрган хабар ва воқеасини тўғри, деб қабул қилиши илмий жиҳатдан исботланган. Аммо бир ҳақиқат бор! Далиллар билан ишлашда босма нашрлар расмий манбаларга таяниши, ахборотларни ҳолис ва таҳлилий узатиши билан ажралиб туради. Ва бутун дунёда бўлгани каби матбуот нашрларига ҳамиша эҳтиёж бор. Афсуски, бугун ўзбек матбуоти тиражи нуқтаи назаридан ачинарли аҳволга келиб қолди. Бунга сабаб эса одамларда ўқишга бўлган иштиёқ йўқолиб бораётганидир. Айримлар барча хабарлар, ахборотлар интернет нашрларидан бериб борилаётганини рўқач қилишади. Бу тўғри, аммо кўп ҳолларда ўша интернет нашрларда тарқатилаётган хабарларнинг ўзи эмас, сарлавҳаларига ўқилаётгани ҳам бор гап-ку.

Нега “The New York Times” газетасининг кундалик тиражи 571 500 дона-ю, “Халқ сўзи” газетасининг адади 31558 та, “Жэньминь Жибао” газетаси 3 миллиондан ортиғу “Ўзбекистон овози” газетаси 1768 та, “Литературная газета”нинг адади 81 600 та-ю “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси эса 5016 та? Қолаверса, бу нашрларнинг ҳам электрон вариантлари, сайтлари ишлаб турибди. Нега ўша юртларнинг одамлари “хабарларни керак бўлса интернетдан кўриб оламиз”, дейишмайди? Чунки улар мутолаа мушоҳадада ундашини, энг катта кашфиётлару ютуқларга ўқиш, изланиш орқалигина эришиш мумкинлигини яхши билишади.

Айтмоқчиманки, биз — адлия ходимлари, аввало, ўз нашримизни, ҳуқуқий тарғибот олиб боришимиз учун кенг имкон берувчи “Инсон ва қонун” газетасини қўллаб-қувватлашимиз, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйишимиз керак.

# “ГАЗЕТАГА КАТТА РАҲМАТ,



**Азим ҚОДИРОВ,**  
“Инсон ва қонун”  
муҳбири

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Шавкат Мирзиёев “Ўқитувчи ва мураббийлар” кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Афсуски, биз кейинги йилларда мажбурий обуна баҳонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Албатта, бу бировларга ёқмайди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлиб қолди”, дея таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда босма нашрларга обуна бўлишга эътибор сусайди. Газета ва журналлар давлат ва жамият эътиборидан четда қола

бошлагани ҳеч кимга сир эмас. Аслида матбуот беминнат дастёр ва кўзгу эканлигини барчамиз жуда яхши биламиз. Газета ва журналларнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини бошқа нарса билан тенглаштириш қийин.


Юртбошимиз нутқида барчамизнинг дилимиздаги гаплар айтилди. Бу гапларни эшитишни биз журналистлар анча йиллардан буён орзу қилиб юрганлигимизни яширишга ҳожат йўқ. Мен 42 йилдан буён газета таҳририятида фаолият олиб бораман. Ана шу давр мобайнида газетанинг ҳаётдаги муҳим

роли ва таъсирчан кучига кўп мартаба иқрор бўлганман. Газета асосан одамларни қийнаб келаётган муаммоларни, камчиликларни ёритиб, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, ҳолис ва асосли ахборотлар билан таъминлашга беминнат ҳисса қўшади.

Собиқ иттифоқ даврида Каттақўрғон шаҳрида молларни бўрдоқига боқиш комплекси фаолият кўрсатарди. Ушбу чорвачилик комплексида 30 минг бошдан кўпроқ мол боқилиб, давлатга ҳар ой арзон ва сифатли гўшт етказиб бериларди. Бир кун комплекс директори,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Губин Агобабян телефон қилиб қолди:

“Азимбой, Сиз газетачилар адолат ва ҳақиқат жарчиси-сизлар, газета саҳифасида камчиликлар, муаммоларни бартараф қилишга бел боғлагансизлар, эл манфаатига зид иш қилаётганларнинг қилмишларини фош қилишда ҳам алоҳида ўринларингиз бор. Бизга ҳам ёрдамнингиз керак. Чунки вилоят гўшт саноати бошлиғи Каттақўрғон шаҳрида гўшт комбинати бўла туриб бўрдоқига боқилган молларни Каттақўрғон шаҳридан 120 километр узоқликда



**Севара ЗАКИРОВА,**  
 Давлат хизматлари агентлиги  
 директорининг ахборот сиёсати  
 масалалари бўйича маслаҳатчиси:

## Матбуотдан узоқ одам ўз соҳасидан ҳам узоқлашади

ЁШЛИГИМИЗДА кўп ҳолларда ота-онамиз ёки мактабдаги устозларимизнинг қистови орқали, аниқроғи, мажбурлови билан китоб ўқирдик, дарс тайёрлардик, болалар нашрларини мутолаа қилардик. Бу мажбурловлар эса вақти келиб, ўз мевасини берди. Оқ-қорани танидик, олий маълумотли бўлдик, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни билдик ва бугун ўз иш фаолиятимизни олиб бормоқдамиз.

Масаланинг яна бир тарафи бор. Бу — ёшлиқда ўқидим бўлди, дегани эмас. Агар бугун ҳам китоб мутолаа қилмасак, газета-журнал ўқимасак саводсизлик, малакасизлик сари юз бурган бўламиз. Ўз соҳамизнинг сир-асрорини яхши билиш, одамлар билан муомала қилишда ҳам мутолаанинг ўрни катта. Яшириб нима қилдик. Бугун орамизда саводсизликка қараб кетаётганлар кўп. Президент халқимизни бекорга китоб мутолаасига даъват этиб, қатор қонун ҳужжатларини имзоламади. Қуни кеча ўқитувчи ва мураббийлар байрамида бекорга барчамизни газета-журнал ўқишга ундамади...

Халқимиз орасида газета ўқийдиганлар, газета орқали маънавиятини, маданиятини юксалтириб борадиганлар, оз бўлса-да бор, газета орқали ўз муаммосига ечим топадиганлар ҳам бор. Мурожаати ёки муаммоси ўз вақтида кўриб чиқилмаётган айрим фуқароларнинг газетани дастак қилиб мана бундай ўқи, бу ерда бундай деб ёзиб қўйибди, бу ерда эса бундай дея кўрсатилган, дея ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилганларига кўп бор гувоҳ бўлдим.

Шундай экан, ҳеч бўлмаганда ўз соҳамизга тааллуқли бўлган газета-журналга обуна бўлишимиз фақат ва фақат малакамиз ошишига хизмат қилади. Бизга мурожаат қилиб келган фуқаролар олдида изза бўлиб қолишимиздан асрайди.



**Акмал МИРЗАХАНОВ,**  
 Жиноят ишлари бўйича  
 Бектемир туман суди судьяси:

## Ҳар бир ҳуқуқшунос учун босма нашр жуда муҳим!

Ҳар қандай ҳуқуқ олами вакили инсонлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда аввало қонунларга таяниб иш кўриши, бунинг учун қонун ҳужжатларини муфассал ўрганиши лозим. Шунга қарамай, амалиётда кўпинча шундай ҳолатларга дуч келамизки, адолатли қарор қабул қилиш жараёнида наинки норматив ҳужжатлар, балки ижтимоий нуқтаи назардан мушоҳада, таҳлил, аналитикага эҳтиёж сезилади. Судья ёки ҳар қандай ҳуқуқшунос учун қонун ҳужжатларини ўзинигина билиш етарли эмас, деб ҳисоблайман. Ахир у белгиланган нормаларни амалиётда тўғри қўллаш ҳам олиши керак. Қандайдир хатога йўл қўйса адолатсиз қарорнинг сабабчиси бўлиб қолади.

Шу нуқтаи назардан ҳуқуқий нашрлар ва адабиётлар ҳуқуқшунослар учун жуда муҳим манба сифатида кўринади. Президентимиз 1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда ўқитувчилар учун босма нашрларнинг, газета ва журналларнинг нечоғлик аҳамиятли эканлиги ҳақида гапирди. Ўқитувчи ўз устида ишлаши учун унга ўзининг соҳасидаги мукамал нашр — газета ва журнал керак, деди. Менимча, босма нашрлар нафақат ўқитувчилар, балки барча соҳа вакиллари учун ниҳоятда зарур. Жумладан, ҳуқуқшунослар учун ҳам жуда муҳим.

Олий таълим даргоҳларининг ўқитувчиларининг эмас, талабалари ҳам газета ўқиши, таҳлилни ўрганиши керак. Шунда улар мутахассис кадр сифатида ўз фаолиятини бошлаганида белгиланган чизиқлар орасидаги тартиб-қоидаларни муносиб тарзда ҳаётга татбиқ эта олади, мурожаатларнинг моҳиятини англайди, одамларнинг дарди, ҳақиқий ҳаётига яқинлашади. Афсуски, ҳозир таълим даргоҳларини битириб, ҳуқуқшунос сифатида иш бошлаётган кўпгина ёшлар фаолиятида айнан ана шундай ҳаётга яқинлик сезилмайди.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқшунослар, адвокатлар, судьялар, талабалар учун босма нашрлар жудаям муҳим. Аслида бир йиллик обунага тўланадиган суммани бир йил давомида ҳар куни ишлатадиган интернет трафикларимиз ва бошқа харажатларимизга нисбатан олиб қаралганда жудаям арзимаган сумма (қунига 500 сўм ёки 1000 сўмни маърифат учун сарфлагимиз келмайди) келиб чиқади.



# ЎЗ ВАҚТИДА БОНГ УРГАН...”

бўлган Жомбой туман гўшт комбинатига олиб бориб сўясизлар, деб кўрсатма берди. Ахир саратоннинг иссиқ кунинда молларни ўша манзилга олиб боргунга қадар молларнинг ҳар бири камида 2-3 килограммдан вазн йўқотади-ку. Ортиқча транспорт харажати ҳамда ортиқча вақт кетиши ҳеч кимни заррача қизиқтирмапти”.

Ўшанда бу муаммо газетада ёритилган мақола орқали бартараф этилган эди.

Яна бир мисол, “Исплом шоир” номли жамоа хўжалигида машина ремонтини бўйича кўргазмали семинар ўтказиш режалаштирилганди.

Мен ушбу анжуман олдида бу хўжалиқда бўлиб пахта териш машиналарининг мавсумга тайёрлиги билан қизиқдим. Буни қарангки, ремонт ишлари ўлда-жўлда бўлса ҳам, қоғозда 100 фоиз таъмирлаш тугалланганлиги ҳақида ахборот берилган экан. Ўшанда “Қоғозда эмас, амалда бўлсин”, деб номланган мақола газетада эълон қилиниб, ушбу хўжалиқдаги кўзбўямачилик фош этилган эди. Ушбу мақолани ўқиган вилоят оқсоқоли бир йиғилишда “Газетага катта раҳмат, агар биз хўжалиқ раҳбарларининг қоғоздаги маълумотига ишонсак, анжу-

манда кўпчиликнинг олдида изза тортардик. Газета ўз вақтида бонг урган”, деганди.

Газета ҳамиша хайрли ишларни, одамларнинг қувонч ва ташвишларини ёритиб берадиган кўзгудир. Иккинчи жаҳон урушида яраланиб қайтган каттақўрғонлик Ҳамид Самадов турли миллатга мансуб ўн нафар ота-онасиз болаларни қарамоғига олиб уларни тарбиялади. Ўша пайтдаги вилоят газетаси муҳбири Тоҳир Каримовнинг “Одамийлик қиссаси” мақоласи эълон қилингандан сўнг бутун мамлакат қаламкашлари томонидан Ҳамид Самадов ҳақида

мақолалар ёзилди. Ҳаттоки, у киши ҳақида Москвадан келиб ҳужжатли кинофильм ҳам олинди. Бошқача айтганда, Х.Самадовнинг бундай меҳру оқибатини, хайру саховатини, унинг инсонпарварлигини биринчи бўлиб газетачилар кўтариб чиқди.

Ёки иштихонлик қаҳрамон Беларусь партизанлар ҳаракатининг бошлиғи Лукмон Ўроқовнинг урушда кўрсатган жасорати тўғрисида кўп йиллар ҳеч кимнинг хабари бўлмаган. Каттақўрғонлик журналист, драматург Яздон Худойқулов дастлаб газетада “Лукаш Ботир” сарлавҳали мақола эълон қилгандан

сўнг Назир Сафаров ва Яздон Худойқуловлар “Лукаш Ботир” драматини яратишди. Ушбу саҳна асари Беларусда намойиш қилиниб, шундан сўнг Беларусда кўча ва мактаб унинг номи билан аталадиган бўлди.

Бундай мисоллар жуда кўп. Хуллас, газета ва барча оммавий ахборот воситалари — маънавий ҳаётимиз кўзгуси. У инсон тарбияси ва руҳиятига озуқа берадиган беминнат маслаҳатчи. Демак, босма нашрларга обуна бўлиш онгли инсоннинг виждон амри бўлиши керак.

**СЎНГИ йилларда ўзбек тилининг мавқеини ошириш борасида жиддий қадамлар қўйилмоқда ва бу жараён ҳали тўхтагани йўқ.**

Аввало, давлат тилининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва мавқеи ҳақида. Сўнгги 30 йилда мамлакатимизда бу борада муаммолар йиғилиб қолган бўлса-да, умуман олганда давлат тилининг фуқаролар ҳаётидаги ўрни ва мавқеи объектив, табиий зарурат таъсирида ортганини қайд этиш лозим. Яъни, бугун аҳолининг катта қисми ўзбек тилида мулоқот қилади, сўнгги йилларда бу тилда мулоқот қилувчи аҳоли сони янада ортган, кундалик маиший ҳаётда давлат тилининг мавқеига ҳозирда катта ҳавф мавжуд эмас ва истиқболда ҳам бу даражада ўзбек тили яшаб қолади.

Лекин бу ўзбек тилини туғма она тили сифатида эгаллаган аҳолининг демографик, яъни сон жиҳатидан ўсиши ортидан юзага келган ҳолат бўлиб, буни бир потенциал сифатида қарасак, у ўсиш тенденциясига эга.

Бироқ тилининг ривожланиши расмий, сиёсий, ижтимоий, илмий йўналишларни қамраб олишини ҳам тақозо қилади. Бу борада эса қатор муаммолар бор.

Ўзбекистонда ўзбек тилини ўрганиш учун тил муҳити мавжуд бўлгани ҳолда, ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёж паст. Яқинда Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилишда давлат тили бўйича имтиҳондан ўтилиши тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ушбу тартиб ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёжни юзага келтиради. Шунингдек, “Давлат тили ҳақида”ги Қонун талабларига риоя қилмаганлик учун мансабдор шахсларга жавобгарликни назарда тутувчи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 42-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кейинги инстанцияга — Ҳукуматга тақдим этилди. Бу лойиҳа ўтса, давлат тилини ўрганишга эҳтиёж янада ортиши мумкин.

Лекин шунга қарамай ҳозирда давлат тилини билмаслик фуқароларга мансаб пиллаполярларида юқорилаш, бизнес юритиш, таълим олиш, мулоқот қилиш ва ҳоказо соҳалардан ҳалақит бермайди. Бу бир томондан, мамлакатимизда олиб борилаётган либерал тил сиёсатининг ижобий томони, яъни фуқароларга ўз она тилида мулоқот қилиш, таълим олиш каби ҳуқуқларнинг амалда қафолатланганининг исботи бўлса, бошқа томондан бу жараёнда “Давлат тили ҳақида”ги Қонун меъёрларига тўлиқ амал қилмаслик ҳолатлари кузатилаётганини кишини ташвишлантиради.

Масалан, бугунги кунда ҳам ҳамон айрим давлат ташкилотларидан хатлар ва бошқа ҳужжатлар давлат тилидан бошқа тилларда чиқарилаётгани, шартномалар, тендер материаллари, классификаторлар ва ҳоказо муҳим ҳужжатларнинг давлат тилидаги вариантлари мавжуд эмаслиги, давлат ташкилотлари ўтказиётган тадбирларнинг рус тилида олиб борилиши, халқаро тадбирлар, хусусан, семинарлар, тренингларда синхрон таржималар давлат тилига қилинмаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Очик тан олиш керак, бизда давлат тили масаласида муаммолар анча йиллардан бери ҳал қилинмай, тўпланиб қолган. Терминология, луғатшунослик, кадрлар тайёрлаш, давлат тилида иш юритиш, ўзбек тили таълими, реклама, норма ижодкорлиги, илмий фаолиятдан тортиб давлат тилига бўлган муносабатгача қатор соҳаларда ҳали қилинадиган ишлар кўп. Хусусан:

**Биринчидан**, норма ижодкорлиги ва давлат тилида иш юритиш масаласи. Масалан, 2020 йил январь-март ойлари давомида адлия вазирлигига турли вазирлик, идора ва ташкилотлардан (мурожаатлар ҳамда адлия органлари ва муассасаларидан келиб тушган ҳужжатлардан ташқари) жами 8031 та хат ва ҳужжат келиб тушганлиги, уларнинг 1 200 дан ортиги (15-18 фоизи) бошқа тилларда (асосан рус тилида) келиб тушган. Бундан давлат ташкилотлари ва идораларида ҳамон давлат тилида иш юритиш бўйича муаммолар борлиги кўриниб турибди. Биз барча давлат ташкилотлари ва идораларига Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертиза учун киритилган лойиҳалар

## Тил халқнинг ўзаги, ўзлиги! Ўзликсиз эса халқ йўқ

**Шахноза СОАТОВА,**  
Адлия вазирлиги масъул ходими

нинг давлат тилида бўлишини, давлат тилидаги версияси бўлмаган қонун ҳужжатлари лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаслигини маълум қилиб, хат чиқардик.

Шунингдек, адлия органлари ва муассасаларида давлат тилида иш юритилиши, барча иш юритиш ҳужжатлари, тадбирлар, пешлавҳалар ва бошқа ёзувлар давлат тилида бўлиши, бошқа ташкилотлар билан ёзишмалар ва ҳужжат ишлари давлат тилида олиб борилишини назарда тутувчи адлия вазирининг махсус кўрсатмаси чиқарилди.

Шунингдек, қонун ҳужжатлари жамоатчилик муҳокамасига давлат тилида тақдим этилишини таъминлаш мақсадида regulation.gov.uz порталига давлат тилидаги версияси бўлмаган лойиҳаларни жойлаштирмаслик тартибини жорий этдик.

Яъни, бу билан бир томондан давлат тилида иш юритиш тартибини тўлиқ жорий этиш, иккинчи томондан норма ижодкорлигида қонун ҳужжатларининг лойиҳалари давлат тилида тайёрланишига ваколатларимиз доирасида ҳисса қўлишни мақсад қилганмиз.

Аммо бу борадаги ишлар барча давлат органларининг ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда ишлашини тақозо қилади.

**Иккинчидан**, ўзбек тили таълими масаласида. Хусусан, давлат хизматчиларида давлат тилида иш юритиш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бу борада малакасини ва тажрибасини ошириш масалалари бор. Ҳозирда Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети қошида очилган Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази томонидан бу ишлар йўлга қўйилиши бошланди. Бироқ бу тили биландиганлар учун малака ошириш босқичи. Ўзбек тилини билмайдиган, аммо уни ўрганишни истайётганлар учун-чи?

Агар биз ўзбек тилини ривожлантириш, мавқеини ошириш, хусусан, давлат ташкилотларида давлат тилида иш юритишни тўлиқ йўлга қўйишни истар эканмиз, бу, аввало, бугунги кунда фаолият олиб бораётган ходимларга ўзбек тилини ўқитиш масаласини ҳал этишимиз керак. Лекин шу кунгача бизда ўзбек тили фақат мактабларда бепул ўтилади, катталарга ўзбек тилини ўқитиш жараёни яхши йўлга қўйилмаган. Шу кунгача ўзбек тилининг универсал грамматикаси ишлаб чиқилмагани, тил ўқитиш методикасининг жаҳон стандартларига мувофиқлаштирилмагани, бу борада мутахассислар ва малакали педагогларнинг етишмаслиги ҳақида кўп гапирилди. Масалан, узок вақт давомида ўзбек тилини билмайдиган, ўзбекча гапирмайдиганлардан таркиб топган гуруҳларга ўзбек тилини ўргатиш учун кадрлар тайёрланмади. Фақат 2016 йил ташкил этилган Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетида бу йўна-

лишда 100 кишилик квота ажратилди ва энди бу йўналишда кадрлар тайёрланмоқда. Лекин шунда ҳам бугунги кунда ҳамма учун макбул, етарли ўзбек тилини ўргатиш тизими яратилмаган. Хусусан, универсал дарсликлар, видеодарслар, аудиоматериаллар, тил ўқитишнинг замонавий технологик усуллари жорий этилмаган. Шу боис ўзбек тилини ўрганаман, деган фуқаролар бу борада маълум қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

**Учинчидан**, терминология борасида қилинадиган ишлар кўп. Ўтган ўттиз йил давомида ўзбек тилининг терминологик жиҳатдан бойиши жараёнига эътибор берилса, жуда катта ҳажм ёки динамика кузатилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бугунги ўзбек терминологияси социология, сиёсатшунослик, молия ва ҳоказо соҳалардаги барча нозик маъно фарқларини ўзида акс эттирувчи бой атамалар базасига эга эмас. Оддий мисол, рус тилидан “государственная услуга” ва “государственная служба” атамалари ўзбек тилига бир хил — давлат хизмати, деб таржима қилинади. Натيجида, масалан, давлат хизматини ривожлантириш ва давлат хизматларини ривожлантириш, деган иккита алоҳида тушунчалар бугун чалқаштириб юборилаётгани ҳолатлари учрамоқда.

Ўзбек тилида жиддий сиёсий, иқтисодий, ижтимоий мавзуларда мунозара ёки мушоҳада юритиш амалиётда терминологик танқислик, деган тўсиққа учраб келмоқда. Нафақат терминлар, балки жиддий илмий ифодалар, қоллилар, гап қурилмалари жиҳатидан ҳам қатор муаммолар бор. Бу эса ўзбек тилида илм қилиш, сиёсат юритиш, ҳужжат ишларини олиб бориш каби жараёнларни кийинлаштиради.

Бугунги кунда бизнинг соҳавий атамалар луғатларига катта эҳтиёжми бор. Хусусан, ҳуқуқий соҳада оладиган бўлсақ, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун ягона юридик терминлар тезауруси (электрон луғати) ва платформаси яратилиши лозим. Токи норма ижодкорлигида дахлдор ҳар бир орган, ҳар бир ходим бир манбадан бир хил атамалардан фойдалансин. Яъни, юридик атамаларни стандартлаштириш ва унификациялаш эҳтиёжи мавжуд.

**Тўртинчидан**, бошқа тиллардан сўз қабул қилиш. Дунёда бошқа тиллардан сўз қабул қилмаган тилининг ўзи йўқ, лексик қатлам доимо жамият тафаккуридаги янгиланишлар ва ўзгаришларни ўзида акс эттиради ва бу акс эттириш асосан қабул қилинган янги сўзлар орқали рўй беради, айниқса, бугунги глобализация асрида тиллараро таъсирлашув, хусусан, четдан сўз қабул қилиш шиддати ортгани маълум.

Бироқ бу жараён тизимсиз ва аниқ бир механизмларсиз, стихияли тарзда амалга ошмоқдаки, аҳвол бу тарзда давом этса, ҳам тилимизнинг муҳофазаси, ҳам тушунчаларни тушуниш ва ифодалашдаги аниқлик ва бир хиллик масалаларига жиддий зарар етади.



Масалан, шу кунларда стартаплар тўғрисидаги ҳужжат лойиҳаси тайёрланапти. Лойиҳа қабул қилинса, бу сўз ўзбек тилига расман кирган, деб ҳисобланади. Аслида қонун ҳужжатлари лойиҳалари тайёрланаётгани босқичидаёқ атамалар давлат тилига ўтирилган ёки сўз ўзлаштириш қоидаларига мувофиқ тарзда ўзбек тилига ўзлашган ва луғатларга киритилган бўлиши керак. Акс ҳолда атамани нотўғри тушуниш ёки турлича талқин қилиш оқибатида қонунни амалиётда қўллашда муаммолар юзага келиши мумкин. Лекин бу масалага бугун етарлича эътибор берилмаяпти.

Шу ўринда транслитерация масаласи ҳам ўртага чиқади. Бизда бу борада ҳамон рус тили орқали ўтириш тенденцияси кучли. Лекин бошқа тил оиласига мансуб бўлган рус тили орқали сўзларни олиш ва транслитерация қилиш тилимизда чалқашликлар

ва ноқулайликларни келтириб чиқаради. Масалан, бизда ҳатто қонун ҳужжатларида ҳам Ёджу, Аджу университетлари, деб берилди. Ваҳоланки, портловчи ж ни дж ҳарф бирикмаси орқали бериш айнан рус тилига хосдир. Лекин ўзбек тилига бундай жой ва шахс номлари қандай ўгирилиши керак? Қандай қилса тўғри бўлади? Бу саволларга жавоб топишмас экан, бизнинг тилга сўз қабул қилиш қоидаларимиз ишлаб чиқилмас экан, сўз ўзлаштиришдаги бугун кузатилаётган анархия қўллаб соҳаларга ўз таъсирини ўтказавради.

**Бешинчидан**, таржимашунослик мактабини ривожлантириш керак. Маълумки, таржималар орқали тил бойийди, тафаккур бойийди. Бугун ўзбек тилида матнлар, китоблар, видео ва аудиоконтентлар жуда кўп бўлиши тил ўрганувчилар учун ҳам, уни биландиган ва амалда фаол қўлайдиганлар учун ҳам муҳим эҳтиёждир. Бунинг учун эса турли тиллардан аслиятдан таржималарни кўпайтиришимиз, ўзбек тилида маданий, илмий, бадиий манбалар базасини бойитишимиз лозим. Ўтган йилларда таржима ишларини ривожлантириш учун қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Масалан, жаҳон адабиёти дурдоналарини ва рус адабиётининг 100 та нодир намунасини ўзбек тилига ўтириш бўйича Президент ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Бироқ ушбу қарорлар қай даражада амалга ошгани борасида кўплаб саволлар мавжуд. Таржимадан узоклашган тил ҳеч қачон умрбоқий бўла олмайди. Таржима жараёнида таржимашунослик мактаби, унинг ортидан эса умуман ўзбек тилшунослиги бойийди, ривожланади. Буни унутмаслигимиз керак.

Умуман олганда, бундан беш йил, ўн йил кейин ўзбек тилининг аҳволи қандай бўлади, унинг олдида бугун турган муаммолар қай даражада ечилилади-ю, яна қандай масалалар уни безовта қилади? Яъни, тилимиз тараккиети прогнозлари устида жиддий бош қотирадиган давр етиб келди. Нима бўлганда ҳам, бир нарса аниқ: бундан кейин давлат тили Ўзбекистон фуқаролари учун кенг тарқалган, тушунарли, сеvimли омил, яъни интегратор бўлиши керак.

### ТАКЛИФЛАР

**1** Давлат хизматчиларида давлат тилида иш юритиш кўникмаларини шакллантириш учун ҳар бир давлат ташкилоти ва корхоналарида вақти-вақти билан давлат тилидан малака имтиҳонлари ўтказилиши лозим. Табиийки, талабга яраша шароит ҳам яратиш лозим. Яъни, имтиҳонгача ходимларнинг давлат тилида иш юритиш малакасини ошириш бўйича тизим йўлга қўйилган бўлиши, ушбу тизим ходимларни давлат тилини ўрганишга рағбатлантиришни ҳам назарда тутиши лозим.

**2** Универсал ўзбек тили грамматикаси ва ўзбек тилини замонавий ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш керак. Шунингдек, ўзбек тилини барча ёш, ижтимоий қатлам ва жамиятнинг барча бўғинларида жадал ўқитишни назарда тутувчи эгилувчан таълим тизимини яратиш лозим. Бизда қанча одам ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёжи бор? Бу эҳтиёжни қондириш учун қанча ресурс ва вақт керак? Ушбу саволларнинг аниқ жавоби ва вазифаларни амалга оширишнинг механизми ишлаб чиқилиши лозим.

**3** Терминология соҳасида ҳозир биз учун стандартлаштириш ва унификация муҳим аҳамиятга эгалигини ҳисобга олиб янгиланган ва батафсил электрон луғатлар ишлаб чиқиш талаб қилинади. Луғатчилик энг машаққатли, инсон ақлий меҳнатини кўп талаб қиладиган соҳа бўлиб, ресурсларни тақсимлашда бунга эътиборга олиш лозим. Шунингдек, юридик терминологияни стандартлаштириш ва унификациялаш, унинг ягона тезаурусини яратиш ишини бошлаш, бунинг учун керак бўлса донорлар билан ишлаб, грантлар топиш керак.

**4** Мувофиқлашув масаласи. Тил масаласида идора ва ташкилотлараро мувофиқлашув ва ҳамкорликни кучайтириш лозим. Ҳозирда Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан барча давлат ташкилотлари ва идораларида фаолият юритувчи тил масаласи бўйича раҳбар маслаҳатчилари боши бirlаштирилган. Бу ўзининг самарасини бера бошлади. Масалан, товар-хомашё биржасига тил маслаҳатчиси тайинланган, биржанинг электрон савдолар платформасидаги шартномалар ўзбек тилига ўгирила бошланди. Албатта, бу борада ҳозирда жараён илгари силжиган, бироқ маълум муаммолар бор. Лекин умуман олганда, шу масала ҳал этилса, барча давлат харидлари билан ишлайдиган ташкилотларнинг давлат тилида иш юритишга тўқинлик қилаётган бир омил бартараф этилади. Бу эса давлат тилида иш юритиш соҳасида давлат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик ва мувофиқлашувнинг яхши ютуқларидан бири бўлади.

**5** Таржималар соҳасида қабул қилинган Президент ва Ҳукумат ҳужжатларининг ижроси узил-кесил амалга оширилишини назорат қилиш керак. Масалан, жаҳон адабиётидан 100 дурдона, рус адабиётининг энг сара 100 асарларини ўзбек тилига таржима қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилинган. Бу борадаги ишлар режага мувофиқ ва тўлиқ адо этилиши лозим.

АЙРИМ фуқаролар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ тушунмаганлиги сабабли кўпинча сарсон бўлишади. Биргина мисол. Фуқаро Т.Султанмурадов 2001 йилдан буён Янгиер шаҳар “Т.Малик” МФЙ, Гулобод кўчасидаги хонадонлардан бирида оила аъзолари билан яшаб келаётганлиги, мазкур уй-жойга нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини тан олинмишида қийналганлиги учун бўлимимизга мурожаат қилди.



# ФУҚАРО 19 ЙИЛ ДЕГАНДА ЎЗ УЙИДА ТИНЧ УХЛАДИ

Бўлимимиз томонидан ўтказилган ўрганишда, у ҳақиқатан ҳам юқоридаги хонадонда 2001 йилдан буён яшаб келаётганлиги, хонадоннинг собиқ эгаси П.Литвинов оғзаки келишувга асосан мазкур уй-жойга нисбатан тўлиқ эгалик қилиш ҳуқуқини Т.Султанмурадовга берганлиги, ҳозирда П.Литвинов қаердалиги ҳақида хабари йўқлиги, уй-жойнинг коммунал тўловларини тўлаб ҳамда солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажариб келаётганлиги, 19 йил давомида мазкур хонадонга эгалик қилиб келаёт-

ганлиги, шунингдек, бир неча мартаба ўзининг ҳисобидан хонадонни таъмирлаганлиги аниқланди.

Фуқаролик кодексининг 187-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги қарорига асосан “Мулқдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк

ҳуқуқини олади.

Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига фуқаро Т.Султанмурадовга мазкур уйга эгалик қилиш ҳуқуқи фактини белгилашни сўраб ариза киритилди.

Суд ушбу аризани кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори қабул қилиниб, Т.Султанмурадовнинг эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланди.

**Мурод ТўРАҚУЛОВ,**  
Янгиер шаҳар адлия бўлими бош маслаҳатчиси

## УМИД 26 ЙИЛ ЎТИБ ТУФИЛГАНЛИК ГУВОҲНОМАСИНИ ОЛДИ

УМИД икки ёшлигида ота-онаси ажрашишган. Бугунги кунга қадар онасини бирор марта кўрмаган. Ўша вақтда отасининг қарамоғида қолган. Аммо тақдир тақозоси билан отаси ҳам бевақт оламдан ўтган. Шу туфайли унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилмай қолган.

Ўрганиш давомида, Сурхондарё вилоят туғуруқхонасининг 1996 йил туғуруқларни қайд қилиш китобида 1972 йилда туғилган фуқаро Қ.Н. 1996 йилда ўғил фарзандни дунёга келтирганлиги қайд этилган. Бироқ қонунчилигимизда 16 ёшдан ошган туғилиши қайд этилмаган шахсларнинг туғилганлигини қайд этиш суднинг ҳал қилув қарори асосида амалга оширилиши кўрсатилган. Шу сабабли Термиз шаҳар ФХДБ бўлими томонидан Умидга туғилганлик тўғрисида гувоҳнома бериш рад қилинган.

Адлия бўлими ва Термиз шаҳар ИИО ФМБ бўлимлари ҳамкорлигида Умид Холиёровнинг онаси излаб топилди. Ҳамда Ҳ.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази одам ДНКси суд биологик экспертизасининг хулосаси олинди. Умидга 1996 йил 5 февраль куни туғилганлиги факти суд тартибида белгилаб берилиб, Термиз шаҳар ФХДБ бўлимидан унга туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома расмийлаштириб берилди.

**Ҳабиб АБДУРАҲМОНОВ,**  
Термиз шаҳар адлия бўлими масъул ходими,  
**Бехруз СИДДИҚОВ,**  
Термиз шаҳар ИИО ФМБ масъул ходими



## Пайариқда заводни бузган ҳокимликдан ТОВОН ПУЛИ УНДИРИЛДИ

ПАЙАРИҚ туманида яшовчи Жўрабек Ваҳобов бўлимимизга ариза билан мурожаат қилди. Фуқаро ўз аризасида унга тегишли бўлган “Райҳона Шарқ” масъулияти чекланган жамиятидан олиб қўйилган ер майдони ўрнига муносиб ер майдони ажратиш ва етказилган 315.520.000 сўм зарарни ундиришда амалий ёрдам сўраган.

Аниқланишича, “Райҳона Шарқ” МЖЧ раҳбарининг Ипотека кредити расмийлаштириши зарурати туфайли “Samarqand Hamkor Bank” МЖЧ билан 2016 йил 26 сентябрда тузилган шартнома асосида юқоридаги манзилда жойлашган мева-сабзавотни қайта ишлаш заводи 315.520.000 сўмга баҳоланган. Орадан бироз вақт ўтгач, туман ҳокимлиги томонидан 2017 йил 9 июнда тумандаги Чоштепа маҳалласида жойлашган мазкур “Мева-сабзавотни қайта ишлаш заводи” биноси бузилиши тўғрисида мулкдорга огоҳлантириш хати берилган.

Аммо туман ҳокимлиги томонидан 2019 йил 5 сентябрда берилган маълумотга кўра, “Райҳона Шарқ” МЧЖ балансида бўлган “Мева-сабзавотни қайта ишлаш заводи” биноси бузилиши натижасида етказилган зарар учун 2017-2019 йиллар давомида компенсация тўловлари амалга оширилмаганлиги аён бўлди.

Юқоридагиларга асосан, туман адлия бўлими томонидан “Райҳона Шарқ” МЖЧнинг қонуний манфаатларини кўзлаб, Пайариқ туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан туман ҳокимлигидан даъвогар “Райҳона Шарқ” МЖЧ фойдасига 315.520.000 сўм етказилган зарар ундирилиши таъминланди.

**Ҳайдарали НОРБЕКОВ,**  
Пайариқ туман адлия бўлими катта маслаҳатчиси

МИНГБУЛОҚ туман адлия бўлими томонидан фуқаро Р.Исҳоқовнинг бахтсиз ходиса туфайли меҳнатдан жароҳатланиш натижасида кўрилган моддий зарар тўланишида амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, ҳақиқатан ҳам фуқаро Раҳматжон Исҳоқов 1984 йилдан тумандаги 28-умумий ўрта таълим мактабида ҳарбий таълим ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1993 йилда бахтсиз ҳодиса натижасида ўнг кўзи жиддий шикастланган. Натижада фуқарога 10 775 000 сўм

## Меҳнатдан жароҳатланиш компенсацияси тўлаб берилди

миқдорида моддий зарар етган. Аммо туман халқ таълими бўлими томонидан ҳозирги кунга қадар унга етказилган зарар тўлаб берилмаган.

Туман адлия бўлими аралашгач,



фуқарога тўланиши керак бўлган 10 775 000 сўм зарар ундириб берилди.

**Муродилла МАМАТҚУЛОВ,**  
Мингбулоқ туман адлия бўлими бошлиғи

## 24 нафар ХОДИМГА ИШДАН БЎШАТИШ НАФАҚАСИ Тўланмаган...



ЮНУСОБОД туман адлия бўлими томонидан туман санитария-эпидемиологик осойишталик маркази этиб қайта ташкил этилган туман давлат санитария-эпидемиологик назорат марказининг собиқ ходимлари билан меҳнат шартномаларининг бекор қилиниш амалиёти, уларга меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги муносабати билан ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилганлиги ҳақидаги маълумотлар ўрганилди. Натижада туман давлат санитария-эпидемиологик назорат марказининг 24 нафар ходимига ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилмаганлиги маълум бўлди.

Бўлимимиз томонидан ишчи-ходимларнинг манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига суд буйруғи чиқариш тўғрисида ариза киритилиб, 73 289 000 сўм миқдоридаги нафақалар ундириб берилди.

**И.ХАЙРУЛЛАЕВА,**  
Юнусобод туман адлия бўлими катта маслаҳатчиси

## МОДДИЙ ЁРДАМ АЖРАТИЛДИ

ШАЙХОНТОҲУР туман адлия бўлими томонидан А.Шадидбекова икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, турмуш ўртоғи жазо муддатини ўтаётганлиги сабабли моддий ёрдам олишда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати бўлим томонидан кўриб чиқилди.

Бўлим томонидан кўрилган чоралар натижасида Шайхонтоҳур туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан “Саховат ва кўмак” умум-халқ ҳаракати доирасида фуқаро Н.Шадидбековага моддий ёрдам ажратилиши таъминланди.

**Мирсамад ЯКУБОВ,**  
Шайхонтоҳур туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

# ЖАҲОЛАТГА

## ЕТАКЛАГАН

# СУИҚАСД

**РИВОЯТ этишларича, Азроил алайҳиссалом ўз бурчини бажариш олдидан бир ўртаниб оларкан. Ҳар бир жонзот учун беқиёс неъмат аталмиш яшаш саодатини ундан тортиб олмоқ, кўзларини мангуга юймоқ, охиратга йўлламоқлик юқининг оғирлигидандир, бу. Ҳа, бир мартагина инъом этилгучи бу умр неъматига ҳеч бир шахснинг қасд ёки суиқасд қилишга ҳақли эмаслиги динда ҳам қонунда ҳам кафолатланган.**

### БАХТ ҚЎРҒОНИДАГИ МЕҲРНИНГ ҚАҲРГА АЙЛАНИШИ...

Оила — азалдан инсон ҳаётининг ва насл-насабининг давомийлигини таъминлайдиган муқаддас даргоҳ сифатида эъзозланган. Зеро, инсон қалбида аҳиллик, меҳр-оқибат туйғулари, илм-маърифатга ошно бўлиш кўникмаси, аввало, шу азиз даргоҳда шакллана бошлайди. Шунинг учун ҳам инсон зоти қадим-қадимдан оилани муқаддас билиб, уни бахт оstonаси номи билан асраб-авайлаб мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келади.

Эркак — уйнинг қўрғони, ҳар қандай яхши-ёмон кунларда оиланинг бағордонни ҳисобланади. Оилада бирор муаммо бўлса, оила аъзолари унга суянишади.

Аёл... азалдан меҳр-шафқат ва садоқат тимсоли бўлиш баробарида меҳрга ва химояга муҳтож. Шу билан бирга аёлларни химоя қилиш, шунинг учун аёлларга шафқат кўзи билан қараш ҳар бир эркакнинг бурчи саналади.

Ойбек билан Маҳлиё (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам олам-олам орзулар билан турмуш қуришгани шубҳасиз. Аммо оилада учраши табиий бўлган майда икир-чикирларгаёқ мағлуб бўлишди. Бу эса можаро, жанжалларнинг кўпайишига сабаб бўлиб, ўрталаридаги меҳрнинг қаҳрга айланишига олиб келди. Кунсайин меҳр бериб эвазига меҳр кутишдан тоқати тоқ бўлган Маҳлиё икки яшар бўлаётган қизини олди-ю ота уйига кетиб қолди.

Ойбек фарзандим тақдири учун оиламни тиклашим, аёлим билан муроасага келишим лозим, деган уйдан кўра улардан воз кечишни осон билди. Гарчи қонунан ажрашмаган бўлса-да, бошқа аёлга уйланиб олди.

Аммо у билан ҳам келишолмади. Фурсатлар ўтиб, биринчи оиласи, фарзанди соғинчини туйғандек яна Маҳлиё билан қизчаси Севинчи қайтариб, бирга яшай бошлашди. Бир йил ўтиб иккинчи қизи Сабрина дунёга келганида, оиладаги муросасизлик барҳам топади, деб умид қилганди. Афсуски, Ойбекнинг сабабсиз жанжал-тўполонлар маҳалла аҳлини-да безор қилганди. Эрининг қаҳридан безор бўлган Маҳлиё икки қизини олиб, қайтмаслик қарори билан ота уйига йўл олди.

Ўз-ўзидан равшанки, ота уйида ўтириш ҳам икки болали аёлга осон эмас. Фарзандлар камомади, рўзгор, харажатлар чарчатади. Маҳлиё фарзандлари таъминоти учун алимент ундириш мақсадида ариза қилганда Ойбек учинчи бир аёлга уйланиб, ажрашиб ҳам бўлганди. Аввалига фарзандлари учун у ер бу ерда ишлаб алиментни тўлаб келган Ойбек Ортиқов бора-бора имкон қилолмай қолди. Тўғрироғи, меҳнатга тоқати йўқ, оила, бола-чақаси олдида бўлмаганидан кейин маълум бир мақсад ҳам йўқ ва шунга кўра юриш-туриши кун ўтсинга эди холос, гўё.

### “ОРСИЗ ОТА”НИНГ ВАЖОҲАТЛИ РЕЖАСИ...

Доно ҳалқимизда “Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин”, деган ибора бор. Бу Ойбек каби оталик бурчини эглай олмайдиган кимсаларга ишора. Ўзининг пушти камаридан бўлган фарзандларини вояга еттунига қадар боқиш ва тарбиялаш конституциявий бурчи эканлигини тан олмаган Ойбекнинг фарзандлари учун бериши лозим бўлган моддий таъминотидан бўлган қарзи 17 миллион сўмни ташкил этиб, қарздорлиги кўпайиб кетди. Мажбурий ижро бюроси ижрочиси Маҳлиё Топиловага кўнғироқ

қилиб алимент пулини олиб кетишини айтганида, болаларимни ҳаққи, дея зудлик билан етиб борди. Етиб борганида эса Ойбек Ортиқов унга 1.300.000 сўм пулни тўлаши, эвазига эса чет элга чиқиши учун белгиланган тақиқни олдириб ташлашини сўрайди.

— Мен сенга Россиядан пул жўнатаман, қарзимни шундай узаман, деб ишонтиришга ҳаркат қилди Ойбек. Аммо аёл эрига ишонмасди. Чунки Ойбек аввал ҳам Россия давлатида яхшигина ишлаб қайтган, аммо болалари, алиментдан бўлган қарзи учун бир сўм ажратмаганди. Шу боис ҳам Маҳлиё Ойбекнинг хорижга чиқиши учун тақиқни олдириб ташлашга кўнмади.

Болаларнинг кам-кўсти учун кўчадан қарз бўлиб боши қотган Маҳлиёнинг бир иши Ойбекнинг тепа сочини тикка қилди. У туман ҳокимлиги томонидан уй-жой қуриш учун берилган 5 сотих ерининг Маҳлиё Топилова фойдасига ундирилган 2,5 сотихини сотиб юборган хотинига нисбатан адоватда қолади.

Хато устига хато қилиб ўрганган, қилмишларининг оқибатини ўйлаб кўришни хоҳламаётган Ойбек ўзининг ёвуз ва тубан режасига кўра “гаплашиб оламиз”, дея Маҳлиёни ўша низоли, мусибатли ерга чақиртиради.

Ер учун олган пулини қайтаришни, ерни сотишга ҳаққи йўқлиги, бу ер болаларининг ҳаққи эканлигини ўқдириб жанжал кўтаради. Хотинининг кўча-кўйдан қарз бўлиб кетдим, деган гапини чўпчак, деб уни ҳақоратлайди, аёвсиз калтаклаб, ғараз ният билан ёнига солиб келган пичоғини “Сени ўлдираман, юрагингни суғуриб итларга ташлаб қутуламан!”, дея хотинининг кўксига, қўли ва оёғига қайта-қайта санчиб олишга улгуради...

Кишини ўйлантирадиган томони, нега ўз оиласини пароканда қилган “орсиз ота”лар алимент

тўламаслик учун бунчалик жаҳолат ботқоғига ботмоқда?

### АЁЛ БЕЖИЗ БАҚИРМАЙДИ, ФАРЁД ҚИЛМАЙДИ...

Бир донишманд шогирдларидан сўрабди: — Нима учун кишилар бир-бири билан тортишиб, жанжаллашиб қолишса бақириб гапирди? Шогирдлардан бири: — Чунки улар ўзини идора қила олмайди, шунинг учун бақиради... бошқа шогирди: — жаҳл устида бақиради, — дебди, яна бошқаси: — Чунки асабийлашган киши бақиради, — дебди.

Шогирдларининг жавоби донишмандни қониқтирмагач ўзи жавоб берибди: — Кишилар бир-бири билан жанжаллашса уларни қалбларидаги меҳр бир-биридан узоклашиб қаҳр томонга шошади. Шунинг учун кишилар ўз фикрини узокдаги қалбга етказиш истагида бақиради — деб жавоб берган экан!..

Маҳлиёнинг жон талвасасида югуриб, ёрдам сўраб кўтарган дод-фарёди-ю, қизалоқларнинг дадажон... онамни ўлдириб қўйманг, дея чинқирган нидосини эшитган, яқин орада ишлаётган кишилар югуриб етиб келишди... Ёрдамга етиб келганлар Ойбекнинг қўлларини қайириб пичоқни ерга туширишга, ўзини эса бир четга олиб кетишга муваффақ бўлишади. Ерда тўлғо-ниб, оҳ чекаётган Маҳлиёни эса машинага солиб шифохонага чопишади.

Тангрининг инояти, яхшиларнинг ёрдами, шифохонага вақтида етказилгани, балки қизалоқларининг иқболи сабаб Маҳлиёнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Ойбек ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда пасткаш режасини, жоҳиллика етаклаган қасдини, машъум ниятини яхшиямки охирига етказа олмади.

### СУД ҲУКМИ...

Суд мажлисида жиноят иши атрофлича кўрилиб, Ойбек Ортиқовга нисбатан суд томонидан қонун санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, муносиб ҳукм ўқилди. Шоядки, Ойбек темир панжаралар ортида ўзига етарли сабоқ олиб, умрининг қолганини инсонийликда ўтказишга хулоса қилса...

### ХУЛОСА...

Оила қиммати йўқолган жойда, юқорида келтирганимиздек, бадбахтлик пайт пойлайди. Ойбек ҳам ўз дилбандларини тирик етим қилгани камдек, улар қалбини ҳам бир умрга яралади, ўзидан совутди. Унга фарзанд аталмиш шу бебаҳоларни тўғиб, уларнинг тириклиги учун курашган Маҳлиёни эса бир умрлик ногиронликка ва қалб изтиробига маҳкум этди.

Хулоса ўринда таъкидлаш жоизки, суд амалиётида Ойбек каби алиментдан қарздор айрим “эр”лар хотинига аччиқ қилиб, алимент тўлашдан бош тортишади ёки тўловни тўлашни пайсалга солишади. Қарздорлик кўпайгач эса, тангрининг, тақдирдан, қонуний талабдан норози бўла бошлашади. Аслида, алимент бу аёлининг эмас, боланинг ҳаққи! Ахир, алиментни аёлининг еб-ичиши ёки кийиниши учун эмас, балки ўз фарзандларининг бу ҳаётда зориқмай вояга етиши учун тўлашади-ку!... Шундай экан нима учун Маҳлиё каби оналар фарзандларини моддий таъминоти учун бировлардан қарз олиши ёки суиқасд қурбони бўлиши керак?... Нега фарзанд аразлашган, ўзаро ажрашган ота-онаси ўртасидаги зиддият ва адоват жабрини тортиши керак? Ахир, болаларда нима гуноҳ?... Хулоса эса ўзингиздан.

Ақром АРИПОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди катта консультанти

●●● Давоми. Бошланиши ўтган сонда

Неварам ўрнидан оғриниб кўзгалади. Менга ғалати қараш қилиб жўнаб қолади. Келинимиз энамни чақириб қулоғига нимадир, деб шипшиди. Мен даҳлиздан чиқиб боғ томонга ўтаётим, энамнинг қарғаганини эшитаман.

— Қирилиб кетгунинг қилиғини кўр энди, элни кулдириб, эшакни ҳанградиб ука ўз акасига қўшиб отасини ҳам судга бергани нимаси? Оқибатнинг ори тўкилган, яхшилиқ етти букилган, айтлиги йўқ замонлар бошланиб кетди. Сен хабарчи буни қаердан билдинг? Қулоғинг тарелка, кўзинг дурбин сенинг ҳам.

— Эна-ей, мана қаранг. Манавини кўринг. Ҳамид калнинг боласи телепонда тарқатиб юборибди. Мана, Рўзи бовонинг суд залида ўтирганини ҳам кўрсатишибди.

— Бечора бовога қийин бўпти. Бутун қишлоққа эрмак, эл-эломонга элак бўпти-да...

— Қишлоқ дейсиз-а? Ҳамид калнинг ўша боласи буни энди бутун дунёга тарқатиб юборади. Блогер у. Блогер бўл колган.

— Билонғир дейсанми? Бундай билонғирнинг боридан йўғи яхши. Элни эл билмаса, юртни юрт билмаса, жаройнага жар солиб ўзининг кетини ўзи очса...

Мен энамнинг дарди-фиғони қаъридаги ҳақиқат, жайдари фалсафа замиридаги элчилик эъзозини англагандай бўламан. Кўнглимда бир совуқ эпкин кўзголади: “Биз қаёққа қараб кетаямиз?! Олдинлари бу қишлоқда суд, мелиса деган нарсалар, умуман, қўйди-чиқди, уруш-жанжални эшитмаганми. Суд деса, орган деса, бутун бошли қишлоқ бир қалқиб тушарди. Бир-бирини судга судраш ўлимдан қаттиқ туюларди, уят саналарди, номуссизлик деб қараларди”.

— Кеча кўрдингиз-ку, анави Нусрат бовонинг келини Ойтувдининг кўрсатган от ўйинини. Бово бечора билан қайнонаси Моҳи момони уриб кўчага ҳайдабди. Буям тилпонга чиқиб кетди. Сиз ҳам Сулув момога ўхшаб тилпон олволдинг, ҳамма нарсдан хабардор бўласиз.

Энамнинг қарғиши қайроқтошни қайрайди. Ва, охирида шундай дейди: “Одамзотда бет қолмади, без тошди...”.

Супа четига бориб чўкаман. Шу тобда укамнинг ўғли, неварам Ғайратжон кўриниш беради. Менга уялиқираб қарайди, бироз норизо оҳангда тўнғиллайди:

— Бундайчакин журналлар ҳали ҳам борми? Бизга келмай қўйганига анча бўлди, деди китопчи опа. Кейин Сизга салом айтди.

Неварам супада чалқанча ётиб қўл-телефонини ўйнай бошлади: “Ух... ух... эҳ-ҳ-ей, ҳаҳ... мана бўлмасам... мана... От... От... ўлдир...”.

— Нима қилаяпсан?, — дейман ажаб-синиб.

— Ўйнаяпман. Очко йиғаяпман.

— Китоб-питоб ўқисанг бўлмайди?

— Ҳозир каникул-ку, мактаб очилсин, кўрамыз.

Мен жим қотаман. Ҳовлидан ташқари чиқаман. Ҳасан муаллим, Ҳасан синфдошимнига йўл оламан. У адабиётдан дарс беради.

— Келинг ака, — дейди остонада қимтинги Руқия келин. — Уйга келинг, чой ичинг. Ошангиз маҳалла раиси билан Ғани тоғаникига кетди.

# “ШАРҚ ЮЛДУЗИ” БОРМИ?

ҲИКОЯ

— Тез қайтадими?, — нимадандир умидвор бўламан, — Ғани тоғаникида бирор марака борми?

— Ҳозир кетди. Ўғли Ғани тоғани уйдан қувиб ҳайдабди. Шуни инсофга чақирайлик, деб... Келсалар бирор нарса деб қўяйми?

— Ўзим шунчаки... Сизларда “Шарқ юлдузи”журнали йўқми, мабодо?, — дейман. Дилимдагининг тилимга кўчганидан ўзимни бироз ноқулай сезаман.

Руқия келин қизаринқирайди. Ўзини гуноҳкордай ҳис қилади.

— Йўғ-а, йўқ. Анча бўлди, газет, журнал келмай қўйган.

Мен ўзимни осмондан тушгандай ҳис қила бошладим. “Ё тавба, чиндан ҳам бу жойдан шунчалик узилди кетганмидим?”.

Ўша кунни бутун бошли қишлоқни кездим, ҳа, энига ҳам, бўйига ҳам ўсиб, кенгайиб кетган, одамлари кўпайган, дангиллама уйлар ҳам қад ростлаган қишлоқдаги ўқимишлиман, ана боринг, адабиётдан хабаримиз бор, деган хонадонларга худди, бироз бўйинимга ип боғлаб судрагандай, ички қайсарлигим ўт олиб бир-бир бориб чиқдим. Ҳа, менинг қайсарлигим ихтиёримдан ҳоли, қасдма-қасдига менга бегоналашган эшиклар томон бошлаган экан.

— Тожиқул-ов, Тожиқул-уул, — овоз бераман синфдошим эшиги ортида. Ҳовлидан овоз келади:

— Тожиқулма, Тожиқул ўлган — ҳовли адоғида юнғичқа ўраётган отамнинг ошнаси Махсум бовомга кўзим тушди. — Тожиқул уйдан чиқмайди, ана клипатурани жеб жотибди. — Бовонинг жиги-бийрони чиқади. Мени кўрмайди.

Шу маҳал кўчага бетма-бет қурилган уй деразиси очилиб Тожиқулнинг боши пайдо бўлади:

— Э-е-ей, жоним ошнам, буюгим, қандай шамол учирди? Кел, кел... ҳовлига кир.

— Бошқа сафар ошна, мен шунчаки уйинг олдинда ўтаётган эдим. Уйдамикансан дедим...

Отамизнинг жўраси Махсум бовом, юзини қуёшдан тўсиш учун қўлини пешонасига қафтсоя қилиб биз томонга қарай-

# “ШАРҚ ЮЛДУЗИ” БОРМИ?

ди-да, яна ишга киришади. Мени танимади, таниганда эди, ҳол-аҳвол сўрагани келарди, деб ўйлайман, ўзимча.

Тожиқул дарвозадан чиқиб келиб менга сирли қараш қилади:

— Ошна, кир, қаққайиб турма, тинчликми?

— Сен ҳам мактабда дарс берасан, бирорта журнал-пурналга обуна бўлганмисан?

Ошнам томдан тараша тушгандай қилиб берган саволимдан анграйиб қолади. Ўзимга сирли тикилади:

— Нимаиди?

— Сўраяпман-да...

— Йўқ. Журнал-пурналларнинг қишлоқ тугул, туманга келмай қолганига анча бўлди. Сен билан бизнинг давримиз ўтди. Ошна, кир, уйга кир. Телевизорда Клеопатра ҳақида яхши кино бўлаяпти. Келининг ош дамлайди, юз-юз қиламиз. Сендай ёзувчи бизнинг пахримиз.

Мен хижолат тортаман, ошнам худди мени мазах қилаётгандай бўлади. Отамиз тенги қария, янаям айтсам, биримизнинг отамиз қаршимизда инқиллаб ўроқ сермаса-ю, биз элликка кирган гўрсўхталар ичкарида Клеопатрани кўриб, дуненинг энг гўзал жувонини бово айтмоқчи “еб-ютсак”, бу қандай бедодлик? Хайр-маъзур ҳам ҳаминқадар бўлди — мен ортага қайтдим.

Жавзо офтоби бошимдан ланғилла-

ган чўғ ағдарапти. Кўзим тиниб, ҳолсизланаман, қаёққа кетаётганимни ўзим билмайман. Аъзойи-баданим жиққа тер бўлади. Оғир-оғир нафас оламан, энди мен ҳеч нарсани кўрмайман, йўл четидаги сояга ўтиб, ёнбошбел аҳволда зардоли танасига суянаман. Юрагим санчади. Уйку элитади.

Ғўччи бовонинг пахса девор билан ўралган эски ҳовлисида юрибман. Потма момом шалағи чиққан тоғорада кир юваепти. Омонатгина ўрнатилган эски, ғийқилдоқ дарвозани кимдир тақиллатади. Югуриб бориб очаман. Остонада Қобил бовом жилмайиб турибди. Беқасам тўнига боғланган белбоғига тиркалган журнални менга узатади.

— Оп келдингизми, боважон?, — дейман энтикиб.

— Оп келдим. Сен ўқи, болам, ўқигин. Оп келдим.

Бово ортига қайтади. Мен унга эргашаман, бово йўлнинг қоқ ўртасида тўхтаб менга орқанга қайт, ишорасини қилиб қўл силқийди. Атрофни туман қоплайди. Йиғидан юрагим зўриқади. Атроф туман. Оғриқдан юрагим зўриқади. Кимдир мени силқилагандай бўлади.

— Бово, бовожон туринг. Сизга нима бўлди, бово?

Базўр кўз очаман. Лабларим қуруқшаб қолибди. Қаршимда укамнинг ўғли — неварам титраб-қақшаб турибди, ранг-рўйи оппоқ, кўрқиб кетган чоғи, дағдағ қалтирайди.

— Келдингми?... Ҳозир, бироз менга тегма, ҳозир ўтиб кетади...

— Бово, мана, отам топиб келди. Туман марказида биттагина бор экан, қишлоқни қидириб юрмасин, деди, отам. — Укамнинг ўғли, менинг неварогамам “Шарқ юлдузи”ни узатади. У шу топда қаҳрамонлик кўрсатган баҳодир янглиғ менга мағрур қараб туради. Жилмаяман.

— Ана энди ўтиб кетди. Қани туришимга ёрдамлаш. Қўлингни чўз.

Биз йўлга тушамиз. Қишлоқ четидаги овлоқ кўча, болалигимда ажинакўча деб атаганимиз бу жойга қандай келиб қолганимга хайрон бўламан. Ёнимдаги тирмизаккина эса зўр ишни қойиллатган каби ирғишлаб қўяди-да, йиртиқ тизза-иштони чўнтагидан алламбало қўлтеелефон олиб экранга термулади. Нималарнидир томоша қилиб, “ух-ух-ух-ҳей”, деб қўяди...

Қўчқор НОРҚОБИЛ

## ЭЪЛОНЛАР

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15<sup>2</sup>-моддаси ҳамда Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2020 йил 21 сентябрдаги 2-сон йиғилиш қарорига асосан бошқарманинг 2020 йил 21 сентябрдаги 276-ум-сон буйруғига асосан жорий йилнинг 22 сентябрь кунидан 7 октябрь кунига қадар Қамаша туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус М.Маматовга (лицензия КС 0044, 27.04.2020 й.) берилган хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 15 кун муддатга тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 16-моддаси ҳамда Фарғона вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 4 сентябрдаги буйруғига асосан Кўқон шаҳридаги “Т.Мавлянобаева” адвокатлик фирмаси адвокати Рузимов Усмоножон Исроилюловнинг (лицензия ФЕ 000241, 08.01.2018 й., адвокатлик гувоҳномаси 266, 26.06.2019 й.) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия-

сининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Анджон вилоят адлия бошқармасининг жорий йил 24 сентябрдаги буйруғига асосан Анджон шаҳридаги “Адвокат” адвокатлик фирмаси адвокати Исакова Хулқарой Ғопоровнинг адвокатлик мақоми тикланди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 25 сентябрдаги 22-А-сонли буйруғига асосан “Малакали ҳимоя” адвокатлик ҳайъати адвокати Суванов Султонмурод Гулямовичга 2018 йил 27 декабрда берилган GZ 000028-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда 2018 йил 27 декабрда берилган 028-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши унинг вафот этганлиги муносабати билан тугатилди.

Анджон вилоят адлия бошқармасининг жорий йил 24 сентябрдаги буйруғига асосан Асака туманидаги “Қалқон” адвокатлик бюроси адвокати Газиева Жумагул Астанаевнага

2018 йил 21 декабрда берилган AN №000161 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми унинг вафот этганлиги сабабли тугатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2014 йил 12 мартдаги 70-ум-сонли буйруғига асосан тўхтатиб турилган “LEX LEGIST SERVICE” адвокатлик бюроси адвокати Жумоев Дийр Бозоровичнинг адвокатлик мақоми 2020 йил 29 сентябрдаги буйруғига асосан тикланди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 14 сентябрдаги 21-А-сонли буйруғига асосан талабгор Норбоев Зариф Болтаевичга “Маъмурий ва жиноий” суд ишларини юритиш ихтисослиги бўйича адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда талабгор Хасанов Акмал Хошимовичга “Маъмурий ва жиноий” суд ишларини юритиш ихтисослиги бўйича адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи GZ 000130-сонли

лицензия берилганлиги маълум қилинади.

“Химоячи Хојиев Худойберди” адвокатлик бюроси адвокати Хојиев Худойберди Абдиқодирович вафот этганлиги сабабли унга Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 12 декабрда берилган TS 000003 рақамли адвокатлик лицензияси ҳамда адвокатлик мақоми бошқарманинг 2020 йил 24 августдаги 58-А-ум-сонли буйруғига асосан тугатилди.

Яккасарой тумани давлат солиқ инспекцияси: Юридик шахс DJURAYEV ANVAR XUDAYKULOV. АВ Яккасарой тумани давлат солиқ инспекциясида 207 256 304-сонли СТИР рақам билан рўйхатга олинган ҳамда Яккасарой тумани ДСИда бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидида 07.10.2020 ҳолатига кўра солиқ қарзи мавжуд эмас.

“Инсон ва қонун” газетаси жамоаси Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси, таниқли шоир **Саъдулла ҲАКИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Адлия вазирлиги жамоаси Анджон вилоят адлия бошқармасининг фахрийлар кенгаши раиси **Одинахон ХАЙДАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Давлат хизматлари Агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси жамоаси Зангиота туман Давлат хизматлари маркази директори Фаррух Хусанбоевга отаси **Абдулла ХУСАНБОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ИНСОН ҚОНУН**  
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган  
МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
www.minjust.uz

**Бош муҳаррир**  
Қўчқор НОРҚОБИЛ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Тошқулов Акбар Жўрабоевич  
Рабиёв Шерзод Миржалилович  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

**Нашр индекси: 137**  
“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базисда терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳамда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
**Тиражи — 4755**  
Буюртма — V-4361

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.  
**Факс: (0371) 277-02-97**  
**Обуна бўлими: 277-02-57**  
Баҳоси келишилган нархда  
1 2 3 4 5



**MADAD**  
Huquqiy maslahat byurosi

# Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!



## Янги корхона қанча муддатда текширувдан ўтказилади?

— ЯНГИ ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти қанча муддатдан кейин режали текширувдан ўтказилиши мумкин?



— “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга асосан янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти у ташкил қилинган вақтдан бошлаб 3 йилдан кейин акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларининг бюджет маблағларидан ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил муддат ўтганидан кейин ваколатли орган томонидан режали равишда текширилиши мумкин.



## Банкдаги омонат ҳақидаги маълумотлар омонат сақланиши шарт



— БАНККА қўйилган омонат (депозит) маблағларим банк томонидан қонунда белгиланмаган ҳолларда бошқа шахсга ошкор этилиши қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради?

— Қонунчиликка кўра, банкка қўйилган омонат маблағлари тўғрисидаги маълумотлар банк сири ҳисобланади ва банк сири ташкил этувчи маълумотлар банк томонидан ошкор қилинган тақдирда, ҳуқуқлари бузилган мижоз келтирилган зарарнинг ўрнини қоплашни банкдан талаб қилишга ҳақли ҳамда банк сири ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган шахслар бу маълумотларни ноқонуний равишда ошкор қилганлиги ёхуд улардан ноқонуний фойдаланганлиги ҳамда банк мижозига (вакилига) зарар етказганлиги учун қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.



## Суюнчи пулини ололмаяпмиз

— ЎТГАН ойда фарзандли бўлдик. Мен ва турмуш ўртоғим ҳеч қаерда ишламаймиз. 1 ойдан бери суюнчи пулини ололмаяпмиз. Нима қилсак бўлади?



— Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига кўра, сиз фарзандингиз туғилган кундан бошлаб 6 ой ичида суюнчи пули тайинланиши учун давлат хизматлари марказига (ДХМ) борган ҳолда ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали мурожаат этишингиз мумкин. ДХМ томонидан сўровнома бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига юборилади.

Пенсия жамғармаси, ўз навбатида, суюнчи пулини тайинлаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.



## 1 синф фарзандингиз қандай ўқув қуроллари билан таъминланди?



— ДАВЛАТ умумтаълим мактабларига 1-синфга қабул қилинган ўқувчилар давлат томонидан қандай турдаги ўқув қуроллари билан таъминланиши лозим?

— Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг қўшма қарори асосида қабул қилинган “Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан, 1-синфга давлат умумтаълим мактабларига қабул қилинган ўқувчилар куйидаги ўқув қуроллари билан бепул таъминланиши лозим

Жумладан; портфель, 12 та дафтар, пластилин, қаламдон, ручкалар, ўчирғичлар, елим, рангли қоғозлар тўплами, расм чизиладиган альбом, бўёқлар ҳамда оддий ва рангли қаламлар шулар сирасига киради.



Саволларга Мадад ННТнинг Фарғона шаҳар ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси **Маҳмуджон Жўраев** жавоб берди.



## Тўлов талаб қилиниши қонунийми?

— ДАВЛАТ умумтаълим мактабларига 1-синфга қабул қилинган ўқувчиларга тарқатилган ўқув қуроллари учун мактаб маъмурияти томонидан тўлов талаб қилиниши мумкинми?

— Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг қўшма қарори асосида қабул қилинган “Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан умумтаълим мактабларига 1-синфга қабул қилинган ўқувчилар юқоридаги саволда кўрсатиб ўтилган ўқув қуроллари билан бепул таъминланиши кўрсатиб ўтилган бўлиб, мактаб маъмурияти томонидан бу турдаги ўқув қуроллари учун тўлов талаб қилиниши қонунбузилиши ҳисобланади ва белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.



## Кўчада сигарет чекканга жарима борми?

— КўЧАДА сигарет чеккан шахсга нисбатан қанча миқдорда маъмурий жарима қўлланилиши мумкин?

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кўра, жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми (74 минг сўм) миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.